

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Г.Т.ТУЛАБОЕВА

ИНГЛИЗ ТИЛИ

ФАНИДАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ



ТОШКЕНТ – 2010

«Тасдиқлайман»
Ўқув – услубий ишлар буйича
проректор,
_____ . А. А. Абдурахманов
« ____ » _____ 2010 йил

Тузувчилар: _____ катта ўқитувчи Г.Т.Тулабоева

Такризчилар: _____ АТФ факултети декани Р.Хакимов
_____ ”Тиллар-1” кафедрасининг мудири
кат.ўқит. Х.Ш.Хамидова

“ _____ Тиллар-1 _____ ” кафедраси мудири: _____ Х.Ш.Хамидова _____

« ____ » _____ 20 йил



**Г.Т.Тулабоева «Инглиз тили» курси бўйича таълим технологияси:
Услубий қўлланма.**

Лойиҳа муҳаррири: Г.Т.Тулабоева

Тақризчи: к.ук. Х.Ш. Хамидова

Ушбу услубий қўлланмада педагогик технологияни 1 курс талабалари, яъни автотраспорт, йул қурилиш, автомобилсозлик таълим йуналишлари мутахассисликлари учун ўқув жараёнида «Инглиз тили» бўйича ўқитишни технологиялаштириш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштирилган таълим технологияси келтирилган. Ушбу таълим технологиясида таълимнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда амалий машгулотларни ўқитишда педагогик технологиялардан интерфаол усул, ақлий хужум, кластер, видеослайдлар, кейс-стади каби педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш тартиби акс эттирилган.

Таълим технологияси барча Олий ўқув юртлари, олий таълим ва қўшимча таълим тизимидаги таълим ташкилотлари ўқитувчилари, тингловчи ва талабалари учун мўлжаллаб тузилган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ		
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ		
1-мавзу	Алфавит. Инглиз тилида буғин турлари, сўз урғуси а,е,і,о,и,у ва с ундошнинг ўқилиши.	28
1.1.	Кириш-мавзу бўйича олиб бориш технологияси	30
2-мавзу	:”to be” феъли хозирги, келаси ва ўтган замонларида қулланилиши.	32
2.1.	мавзу бўйича олиб бориш технологияси	34
2.2.	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулотлар технологияси	36-39
3-мавзу	Артикълумумий маълумот ноаниқ артиклнинг қулланилиши Аниқ артиклнинг қулланилиши .Кишилиқ олмошлари.	41
3.1.	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	43
3.2.	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулотлар технологияси	44
3.3.	Вазиятли ишланма ечимини аниқлаш бўйича амалий машғулотлар технологияси (case-study)	42-51
4-мавзу	«to have, have got» феъленинг хозирги келаси ва утган замонларда қулланилиши. Эгалиқ олмошлари. Текст: “My biography”	52
4.1.	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	54
4.2.	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси	63-68
4.3.	Вазиятли ишланма ечимини аниқлаш бўйича амалий машғулот технологияси (case-study)	53
5-мавзу	Грамматика: Отлар классификацияси Сон, Келишиқ Текст: “My family” Огзақи нутқни ривожлантириш	71
5.1.	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	73
5.2.	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси	75
6-мавзу	Гапда сўз тартиби. Оборот “There + to be” Инкор ва сурок шакилларини тузилиши Текст: “Our house	83
6.1.	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	84-85
6.2.	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	121
7- мавзу	This, that кўрсатиш олмошлари . Узлиқ олмошлари. Предлоглар Предлогларнинг гапларда вазифаси. Предлог классификацияси. Текст: “Seasons” “The history of Uzbekistan”	122
7.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	124

7.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	134
8- мавзу	Лексик-грамматик материалларни кайтариш, оралик назорат тестларни езишга тайергарлик (рейтинга)	144
9- мавзу	Грамматика: Хозирги Ноаник замон(Present Indefinite Tense) Текст: “Our Institute”.	149
9.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	151
9.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	160
10- мавзу	Грамматика: Сифат. Сифат даражалари. Янги сузларни ва ибораларни киритиш. Текст: “My working day,” “My day off”.	162
10.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	164
10.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	172
11- мавзу	Грамматика: Утган ноаник замон. (Past Ind. Tense). Булишли, сурок ва инкор шакилни куллаш. Текст: “Geographical position, population, language and culture of Uzbekistan.”	179
11.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	181
11.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси	189
12- мавзу	Грамматика: Келаси ноаник замон. (Future Ind. Tense). Булишли, сурок ва инкор шакилни куллаш. Текст: “Tashkent- is the capital of Uzbekistan ”.	192
12.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	194
12.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	200
13- мавзу	Грамматика: . “Continuous”(Present Cont. Tense). Булишли, сурок ва инкор шакилни куллаш Текст: «The national flag of Uzbekistan ».	209
13.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	211
13.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	217
14- мавзу	Грамматика: Сифатдош. Сифатдош-1нинг гапдаги вазифалари Текст: “Constitution of Uzbekistan.” Оғзаки нуткни ривожлантириш	222
14.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	224
14.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	230
15- мавзу	Грамматика: Сон. Умумий маълумот(санок ва тартиб	233

	сонлар). Текст: “The state emblem of Uzbekistan”.	
15.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	235
15.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	238
16-мавзу	Грамматика: Олмош (курсатиш, сурок ва нисбий олмошлар). Текст:”The early days of the automobile ”	243
16.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	245
16.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган Амалий машғулот технологияси	252
17-мавзу	Лексик ва грамматик мавзуларни ва матнларни кайтариш	259
18-мавзу	Талабаларни уқитувчи назорати остида ишлаши Лексик ва грамматик мавзуларни ва матнларни кайтариш рейтинг назоратига тайерланиш	265
18.1	Мавзу бўйича олиб бориш технологияси	267
18.2	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот технологияси	270
19-мавзу	Яқуний назорат	307
КУРС БЎЙИЧА МОНИТОРИНГ ВА МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ		282
1.	Билимларни баҳолаш ва унинг мониторинги	300
2.	Аудиториядан ташқари бажариладиган индивидуал мустақил иш	306

Кириш

Инглиз тили фани нутқий сўзлашув ижтимоий – маданий коммуникатив мулоқот малакаларини такомиллаштириш билан бир қаторда инглиз тилининг функционал шакллари ва услубларини эгаллаш, ўрганилаётган тил тўғрисида назарий билимлар олиш ҳамда олинган билимларни Автотранспорт, механика, қурилиш ва автомобилсозлик йўналиш бўйича ва иш фаолиятида илмий изланишлар олиб бориш учун амалда қўллай олишни ўргатишни назарда тутди.

Республикада таркиб топган Олий таълимнинг янги тизимни янгича ёндошувни тақозо этмоқда. Булар эса сизларни ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, давлатимиз эҳтиёжи ва уни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишинингизда шубҳасиз катта ёрдами тегади деб уйлаймиз.

Таълимга бўлган катта эътибор бежиз эмас, зеро ёш давлатимиз жаҳонга юз тутиб, демократия, очиқ бозхор иқтисодиётига асосланган жамиятни собитқадамлик билан босқичма-босқич кириб бораётган экан, бу ҳаракатларида шак-шубҳасиз ўлғайиб бораётган сиз ёшларга таянади. Бу эса ўз навбатида Сизлардан Ватанни ардоқловчи, унинг мустақиллигини кўз қорачигидай асраб-авайлашга, керак бўлса, унинг учун жонини фидо қилишга тайёр, кенг тафаккурли, соғлом, маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш орқали ҳаётга тадбиқ эта оладиган юқори малакали кадрлар бўлишингизни тақозо этади.

Биз профессор - ўқитувчилар таълим мазмунини такомиллаштириш, унинг сифатини ва самарадорлигини ошириш фаолиятимизнинг асосий йўналиши ҳисобланиб, таълим тарбияга янгича услуб ва мазмун, шакл ва воситалардан фойдаланиб келмоқдамиз. Бу масалани Сизлар билан ҳамкорликда янги педагогик технологиялар ёрдамида амалга оширишимиз мумкин деб уйлаймиз.

Педагогик технология терминини қарасак «техника» юнонча сўз бўлиб, «моҳир», «хунарманд», «хунар», «санъат» маъносини билдиради. Технология -хунар, логос – таълимот ёки маҳорат ҳақидаги таълимот экан.

Педагогик технология - бу ўқитувчи томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маъсули сифатида уларга муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёни.

Шундай қилиб педагогик технология - педагогик маҳорат тўғрисидаги фан бўлиб, амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир.

Педагогик тизим эса ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндиси бўлиб, шахсдаги муайян сифатларни шакллантиришда педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади.

Ҳар бир жамиятда шахсни шакллантириш мақсади белгилаб олинади ва унга мос равишда педагогик тизим мавжуд бўлиши керак. Агар мақсад ўзгарса тизим ҳам ўзгариши шарт.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият, давлат ва ота-она олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйган. Демак, миллий дастур бизда таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси сифатида қабул қилинаёпти.

Педагог қўлида билимга чанқоқ ўқувчилар, фан мақсадига мос мазмун- дастур, қўлланма, дарсликлар мавжуд бўлса, у дидактик жараённи муваффақиятли амалга ошириш учун билим фаолиятининг ташкилий шаклларида самарали фойдаланиб, янги педагогик технологияни амалиётга изчил ва кетма-кет жорий этиши мумкин. Бу эса педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Тарихга назар солсак, педагогик технология тушунчаси истеъмолга анча аввал кириб келган. Масалан жадидчиликнинг ўзида бир олам янгича педагогик технологияни кўриш мумкин. Аммо мафкуралашган тузум тайзиқи бунга йўл қўймаган.

Бугунги профессор - ўқитувчиларнинг фаолиятига назар солсак аксарият қисмида иккиланиш, баъзан чўчиш, охиригача тушуниб етмаслик ва таҳлил етишмаётганлигини кўрамиз.

Бунинг бош сабаби изланувчанлик ва ижодкорликнинг етишмаслигидир. Ўқитувчининг педагогик маҳорати шаклланишида «педагогик техника» га хос қобилият муҳим аҳамиятга эга. Чунки педагогик техниканинг негизида ўқувчи билан амалга ошириши лозим бўлган таълимий ва тарбиявий муносабатлар туради. Ана шу муносабатнинг узлуксиз ва барқарор куч олиши келгусида муайян педагогик технологияни келтириб чиқаради.

Педагогик техника бу тарбиячи ва педагогнинг ички фаолиятидан (ички диалогидан) келиб чиқадиган мазмунни ифодалай олиш қобилиятидир. Технология сўзи ўз таркибига – янги, илғор, ижодкорлик, касб-тафаккури каби тушунчаларни қамраб олади. Янги педагогик технологиянинг асосий мақсади ва вазифаси янги методик маҳоратни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришга қаратилан бўлади. Энди янги педагогик технология билан бир сафда янги ахборот технологиянинг асосий мақсади, таълим тизимини компютерлаштириш концепциясидан иборат:

Педагогик технология аниқлаб борадиган ҳолатларни қараб чиқамиз:

1. Замонавийлик;

а) ўқув дастурларидан аҳамияти кам бўлган материалларни чиқариб ташлаш;

б) илмий-техник ахборотларнинг кўплиги, фан-техника ютуқлари асосида ўқув дастурларини янгилаш.

2. Ўқув жараёнини мақбуллаштириш (оптимизация) кам куч сарфлаб, юқори натижага эришиш.

3. Илмийлик – таълимда янги воситалар, фаол методлар, дидактик материаллар, ташкилий масалаларнинг янги ечимини қўллаш

4. **Ортиқча ҳаракатларни йўқотиш, юқори ҳамжихатликка эришиш. Педагогни «конструктор» сифатида фаолият кўрсатиши**
5. **Таълимни фаолаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалардан (компютер, электроника, алоқа, радио, ТВ) фойдаланиш**
6. **Моддий техника базасининг мақсадга мувофиқлиги.**
7. **Ўқув-тарбиявий жараён натижаларини сифатли баҳолашда рейтинг тизимини қўллаш.**

Янги педагогик технология мураккаб, узоқ давом этадиган жараёнدير. Бу жараён ўқитувчининг босқичма-босқич педагогик маҳорат пиллапояларини эгаллаб, унинг юксак педагогик даражасига кўтариш каби жихатда қилиш, машаққатли меҳнатнинг самараси сифатида ҳар ўқитувчи эришиши мумкин бўлган маҳорат чўққисидир.

Таълим технологиялари илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш ва уни атрофлича ёйишдан иборат. «Илғор педагог»: аввало бошқа профессор-ўқитувчиларга нисбатан ўз ишига маъсулият билан қарайди. Ижобий тажрибаларни ўрганиб, ўз дарсларида, маърузаларида ва амалий машғулотларида янгиликларни доимо қўллайди.

«Илғор педагог» ўзининг аввало яхлит педагогик восита ва усуллари-нинг мавжудлиги билан фарқланиб туради, илмийлик, ўзига танқидий кўз билан қараш хусусиятлари бўлади, уларнинг кўпчилигида ғоят мураккаб, бошқалар ўзига ишонмайдиган шароитларда ҳам ўз ишларининг тўғри эканлигига ишонч бўлади.

«Ижодкор ўқитувчилар» илғор педагогик тажрибаларини манбаларига танқидий кўз билан қараб, кўп ҳолларда мавжуд услубий йўл-йўриқларга ўз муносабатини билдириб, шароит ва вазият тақозосига, ўзининг имкониятларига қараб мавжуд тартиблардан фарқли методик усуллардан фойдаланади.

Бу жараёнда таълим – тарбияга бутунлай янгича вазифалар талаби асосида такомиллаштириш назарий ва услубий ишларни педагогик жараёнга қўллаш каби босқичларни ўз ичига олади. Бу жарёнларда

Сизлардан ҳам фаоллик талаб қилинади, бўлаётган услубий янгиликларга мунгосабатингиз биз учун айниқса қадрлидир. Маҳоратли, ўз ишининг устаси деганда ўз касбини мукамал ўрганган ўқитувчи тушунилади. Маҳорат катта тажриба билан чуқур назарий билим заминда шаклланади. Ижодий ишлаш деганда ҳар қандай ёш, ҳали педагогик маҳорат чўққисини эгалламаган ўқитувчини фаолиятини тушуниш мумкин.

Педагогик ижоднинг энг муҳим шарти, шу соҳани билиш, тушуниш, уни севиш, унга жонкуярлик, ташаббус билан ёндошишдир. Шу билан бирга педагогнинг юксак умумий маданиятидир (чуқур билим, қизиқиш, ақлий ревожланганлиги, ижтимоий фаоллиги ва ҳаказо).

Нима сабабдан янги педагогик технологияни қўллаш зарур?

Биринчидан: Педагогик технология ёрдамида таълим жараёнидаги хато, камчиликларни, мавҳумликларни олдини олиш ва олдиндан таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва уни бирин-кетин воқеликка айлантириш асосида уни такомиллаштириш масаласи ечилади.

Иккинчидан: Узоқ вақтдан бери қўлланилиб келинаётган ҳар бир дарсни оддий услубий услубий жиҳатдан ишлаш ўрнига педагогик технология таълим жараёнида яхлит ёдашиш уни аввалдан лойиҳалаштириб, талабани билиш фаолиятининг тузилиши ва мазмунини белгилашга асос бўлади.

Бу айниқса, ҳозирги янги педагогик ахборот воситалари- дастурлашган таълим, таълим жараёни компютерлаштириш ҳозирги шароитда муҳимдир.

Учинчидан: Педагогик технологиянинг муҳим хусусияти - бу мақсад қўя билишдир. Авваллари бу масала - таълим жараёнида муҳим эмас эди. Ҳозирги таълим жараёнини технология даражасига қўтаришда тахминий, бўлар бўлмас натижадан аниқ мақсад қўйиш муҳимдир. Бу масала икки томонлама зарурдир, диагностик мақсад қўйиб, талабанинг ўқув материални ўзлаштиришини тўғри назорат қилиш ва талаба шахсининг ривожланишини таъминлашдир.

Тўртинчидан: Педагогик технология тизимини лойиҳалаштириш сифатида таълим жараёнининг яхлитлигини унинг мақсад, вазифаси, амалга ошириш шакллари, услублари ҳамда талабалар фаолиятини бошқариш билимини назорати ва текширишнинг узвийлигини таъминланади

Таълим жараёнини педагогик технология сифатида қараш ундаги детерменизм, айрим эскирган шакл ва услубларга сажда қилмасликка, янгиликка, ижодга интилишга замин ҳозирлайди. Педагогик технологиянинг шаклланиши бу узок давом этаётган жараёндир.

Таълим технологиялари асосида «Инглиз тили» ўқув курси амалий машғулотларнинг лойиҳалаш технологиялари ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда амалий машғулотлар ўқитиш технологияларидан фойдаланиш асослари келтирилган.

Дидактик воситалар (ДВ) мажмуасини ишлаб чиқиш учун аввало биз ўқув жараёнини олиб бориш учун қандай турдаги дидактик воситалардан фойдаланиш яхши натижа беришини аниқлаб олишимиз керак бўлади. Чунки бугунги кунда ДВларнинг жуда кўплаб турлари мавжуд бўлиб хаммасидан бир вақтнинг ўзида фойдаланишнинг ҳеч имкони йўқ. Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «Инглиз тили» ўқув курсини ўқитишнинг долзарблиги асосланган, мазкур курснинг тузилмаси келтирилган ҳамда курс бўйича ДВлар асосида ўқитишнинг мазмуни очиб берилган. Шу билан бирга ўқитиш, коммуникация, ахборот ва таълим жараёнини бошқариш усуллари ва воситаларининг концептуал асослари ёритилгандир.

Сўнгра курс бўйича ўқитиш технологиялари лойиҳалаштирилган:

1) машғулотларини мавзу асосида олиб боришнинг кўринишлари келтирилган;

2) амалий машғулотларни топшириқларни индивидуал тарзда ёки гуруҳда бажарилиши, вазиятли ишланма – кейс-стадилар усули, назарий билимлар асосида билимлар ва кўникмаларни чуқурлаштиришга

йўналтирилган амалий топшириқлар шаклида олиб боришнинг лойиҳалаланиши кўрсатилган.

Таълим технологияси барча олий ўқув юртларида, ўқитувчилар малака ошириш курсларида, ўқитиш технологиясида кўзда тутилган шароитлар ва вақти мавжуд бўлган ҳолда «Инглиз тили» курсини олиб боришда ўқитувчилар томонидан қўлланилиши мумкин.

**« ИНГЛИЗ ТИЛИ» ЎҚУВ КУРСИ
БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

«Инглиз тили» фанини ўқитиш ва унинг вазифалари

Ҳозирги замонда чет тилини урганишда интерфаол усуллар ва инфор­мацион технологиялардан кенг фойдаланиши билан характерланади. Замонавий компьютер технологияларининг ҳаётимизга кириб келиши, улардан фойдаланишнинг тобора қулайлашиб бориши чет тилини урганишга бўлган қизиқишни янада оширмоқда. Уларни грамматик, лексик ва фонетик таҳлил билан биргаликда қўлланилиши талабаларнинг чет тилини урганишга ва амалиётда тадбиқ этишга кенг имкониятлар очиб бериши шубҳасиздир. Мазкур ўқув курсининг мақсади тингловчиларда инглиз тилида сўзларни тўғри талаффуз қилиш, лексик бойликни ошириш, грамматик жихатдан тўғри гаплар тўзиш, талаба ўз фикрини қисқача инглиз тилида сўзлаши, матнларни луғат ёрдамида ва луғат ердасиз таржима килишини жараёнларга тадбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир. Бунда курс жараёни ниҳоясида талабалар нутқ фаолиятининг барча кўринишларида қуйидаги имкониятларга эга бўлишлари кўзда тутилади:

- ишлаб чиқариш ва илмий мақсадларда зарурият туғдирадиган маълумотларни олиш учун мутахассислик бўйича оригинал адабиётларни ўқий билиш;
- амалдаги дастурда кўзда тутилган ҳажмдаги материаллар бўйича чет тилларида оғзаки алоқада иштирок этиш.

Бу амалий мақсадларга эришиш жараёнида чет тилларига ўргатиш борасида таълим ва тарбия вазифалари ҳам амалга оширилади. Талабаларнинг чет тилларини ўрганиши уларнинг умумтаълим доирасини ва дунёқарашини кенгайтишига, Ватанга садоқат руҳида тарбияланишида, миллий анъана ва одатлар ҳамда ўз халқининг меросини эъзозлаш руҳида тарбиялайди.

Инглиз тили дарсларида таржима учун бериладиган материалларни ўқиб чиқиб, матн мазмунини гапиртирилади. Дарс давомида турли хил инглизча хикояларни ва мутахассисликка тегишли бўлган матнларни ўқиб тушунишга ўргатилади. Бу

инглиз тилида нутқни ривожлантириш, мавжуд бўлган хорижий тилдаги матни ўқиб ва уни гапириб беришга ёрдам беради ва янада мураккаброқ текстлардан фойдаланишни талаб қилади. Инглиз тили дарсларида эшитган, кўрган ёки ўқиган мавзуси асосида ўз фикрини турли хил лексик birlikлар ёрдамида биринчи босқич лексик ва грамматик материални ёзма равишда баён қилишни талаб этилади.

Талабаларнинг ёзма нутқни нутқ шаклларини янада чуқурроқ билишга асосланган бўлиб, бунга улар ўз фикрини инглиз тилида чиройли қилиб ифодалаб беришлари керак.

Ўқув соатларининг тақсимланиши.

Баҳо	Ж.Б	М.И	О.Н	Я.Н	Жами
«3»	Min: 24	7	17	8	56
	Max: 24	11	24	11	70
«4»	Min: 32	8	20	11	71
	Max: 32	13	26	13	84
«5»	Min: 40	8	24	14	86
	Max: 40	15	30	15	100

№	Соат	Мавзу	Педогогик технологияларни куллаш
КУЗГИ СЕМЕСТР			
I	2 с.	Грамматика: Алфавит. Инглиз тилида буҗин турлари, сўз урғуси a,e,i,o,u,y ва с ундошнинг ўқилиши. Кулланилаётган ва қўшимча адабиётдан машқлар	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
II	2 с.	Грамматика: "to be" феъли хозирги, келаси ва ўтган замонларида кулланилиши. Кулланилаётган ва қўшимча адабиётдан машқлар	"to be", жадвалидан фойдаланиш, аудио ва видео материаллар
III	2 с.	Грамматика: Артикльумумий маълумот ноаник артикльнинг кулланилиши Аниқ артикльнинг кулланилиши .Кишилиқ олмошлари. Кулланилаётган ва қўшимча адабиётдан машқлар	. Жадвалдан фойдаланиш, аудио ва видео материаллар. Слайдлардан фойдаланиш
IV	2 с.	Грамматика: «to have, have got» феълининг хозирги келаси ва утган замонларда кулланилиши. Эгалиқ олмошлари. Текст: Текст: "My biography" Оғзаки нутқни ривожлантириш	"to have". Жадвалидан фойдаланиш, аудио ва видео материаллар.
V	2 с.	Грамматика: Отлар классификацияси Сон, Келишиқ Кулланилаётган адабиётдан машқлар Янги сўз ва иборалар устида ишлаш Текст: "My family" Оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
VI	2 с.	Грамматика: Гапда сўз тартиби. Оборот "There + to be" Инқор ва сурок шақилларини тузилиши Кулланилаётган адабиётлардан машқлар Предлоглар. Предлогларнинг гапларда вазифаси. Предлог классификацияси. Кулланилаётган адабиётдан машқлар Текст: "Our house" Оғзаки нутқни ривожлантириш	"There + to be", Жадвалидан фойдаланиш, аудио ва видео материаллар.
VII	2 с.	Грамматика: This, that кўрсатиш олмошлари . Узлик олмошлари. Предлоглар Предлогларнинг гапларда вазифаси. Предлог классификацияси. Сифат, сифат даражалари кулланилаётган адабиётдан машқлар Текст: "Seasons" Оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
VIII	2 с.	Лексик-грамматик материалларни кайтариш, оралик назорат тестларни езишга тайергарлик (рейтинга)	Рейтинг тестидан фойдаланиш

IX	2 с.	Грамматика: Хозирги Ноаник замон (Present Indefinite Tense) Қулланилаётган ва қўшимча адабиётдан машқлар Сўз ясаш. Текст: “Our Institute”. Оғзаки нутқни ривожлантириш	“ Present Indefinite Tense ”, Жадвалидан фойдаланиш, аудио ва видео материаллар.
X	2с.	Грамматика: Сифат. Сифат даражалари. Янги сузларни ва ибораларни киритиш. Қулланилаётган ва қўшимча адабиётдан машқлар Текст: “My working day,” “My day off”. Оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
XI	2 с.	Грамматика: Утган ноаник замон. (Past Ind. Tense). Булишли, сурок ва инкор шакилни куллаш. Кулланилаётган ва қўшимча адабиётдан машқлар Кулланилаётган адабиётдан машқлар Текст: “Geographical position, population, language and culture of Uzbekistan.” оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
XII	2 с.	Грамматика: Келаси ноаник замон. (Future Ind. Tense). Булишли, сурок ва инкор шакилни куллаш. Кулланилаётган ва қўшимча адабиётдан машқлар Текст: “Tashkent- is the capital of Uzbekistan ”. Оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
XIII	2 с.	Грамматика: “Continuous”(Present Cont. Tense). Булишли, сурок ва инкор шакилни куллаш Кулланилаётган адабиётдан машқлар Текст: «The national flag of Uzbekistan ». Оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
XIV	2 с.	Грамматика: Сифатдош. Сифатдош-1нинг гапдаги вазифалари Кулланилаётган адабиётдан машқлар Текст: “Constitution of Uzbekistan.” Оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
XV	2 с.	Грамматика: Сон. Умумий маълумот (санок ва тартиб сонлар). Кулланилаётган адабиётдан машқлар Текст: “The state emblem of Uzbekistan”. Оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
XVI	2 с.	Грамматика: Олмош (курсатиш, сурок ва нисбий олмошлар). Кулланилаётган адабиётдан машқлар Текст: “At the map of Uzbekistan ” Оғзаки нутқни ривожлантириш	Қўшимча тарқатма материаллар ва жадваллардан фойдаланиш
XVII	2 с.	Лексик ва грамматик мавзуларни ва матнларни кайтариш Оралик назорат тестини ёзиш	Рейтинг тестидан фойдаланиш
XVII I	2с	Талабаларни уқитувчи назорати остида ишлаши Лексик ва грамматик мавзуларни ва матнларни кайтариш рейтинг назоратига тайерланиш	Таркатма материаллардан фойдаланиш
XIX	2 с.	Яқуний назорат	Яқуний тест

Мустақил иш учун берилган мавзулар (инглиз тили).

1. **Uzbekistan is My Motherland**
2. **Tashkent is the Capital of Uzbekistan**
3. **“Automobile association in Uzbekistan”**
4. **Uzbekistan relations with other countries.**
5. **State emblems of our Republic.**

Қўлланиладиган адабиётлар

1. Учебник английского языка (I-II части). Авт.: Бонк М.: 2000.
2. World English, 6 частей. Авт.: Christopher Morris. Washington, U.S.A., 1997.
3. English for Businessmen, Т., 6 частей 1993.
4. Word Wise, Tashkent, 1997.
5. Учебник английского языка. Авт.: Мухитдинова Г.Ш., Т., 1992.
6. English one to one, Т., 1997.
7. Учебник английского языка. Авт.: Синявская Е.В. М., 1992.
8. Английский язык для инженеров. Авт.: Синявская Е.В. М., 2000.
9. Experiencing English, Washington, 1996.
10. “Methodical Instructions on Automobile Transport”.
11. Magazines on specialities “Automobile Transport”, “Automobile Industry”, “Highways & H.Construction”, etc.
12. Independent Uzbekistan. Авт.: Гулямов С. и др., Т., 2001.
13. Uzbekistan – Airways. Т.: изд-во «Рекламно-информационное агентство НАК», 1994-2001.

Қўшимча адабиёт ва қўшимча тарқатма материал

14. Журналы “Highways”, 1992-2000 .
15. Журнал “Uzbekistan” ежемесячный выпуск. Ташкент.
16. Оригинальные материалы из английских и американских книг, журналов, ТВ.
17. Методические рекомендации, разработки, изданные преподавателями кафедры.
18. The Environmental bulletin of the EBRD. 2000-2002.
19. Streamline English. Oxford – 1998.
20. Uzbek-Russian English Dictionary-2005y.
21. Учись говорить по английски 1998г.

**Барча бакалавр таълим йўналиши I- курс талабалари учун
ИНГЛИЗ ТИЛИ фани бўйича рейтинг балларининг тақсимланиши**

№	Назорат тури Назорат	Топширилиши шарт бўлган ишлар	Муддат	Ҳар бир топширилган иш учун бериладиган максимал балл	Назорат тури бўйича балларнинг жами
	I- Ж.Б.	Гр: :”to be” феъли хозирги, келаси ва ўтган замонларида кулланилиши. Машқ бажариш Текст: “My family” – Сузлаб бериш	21-26.09 2009	4балл 6 балл	10 балл
	2-Ж.Б.+1 О.Н	Гр: :”Оборот “There + to be” Инкор ва сурок шакил. тузилиши Машқ бажариш Текст: “Seasons” Сузлаб бериш	19-24.10 2009	4балл 6 балл 7 балл 15 балл	32 балл
	3- Ж.Б.	Гр: Хозирги ва ўтган Ноаник замонлар Машқ бажариш Текст: “Our Institute” Сузлаб бериш	16-21.11 2009	4балл 6 балл	10 балл
	4- Ж.Б.+2 О.Н	Гр: Келаси ноаник ва Хозирги давом замонлари Машқ бажариш Текст: “ The state emblems of Uzb.” Сузлаб бериш	14-19.12 2009	4балл 6 балл 8 балл 15балл	33 балл
	Ж.Б.+ОН				85 балл
	Я.Б.				15 балл
	Умум.				100 балл

4. Кейс – технологик урганиш
4.1. Технологик урганишнинг модели

Машғулот мавзуси Грамматик матн: Инглиз тилида буғин турлари, сўз урғуси а, е, і, о, и, у ва с - ундошнинг ўқилиши.	Аудитория натижаси
Вақт 2соат	Талабалар сони:
Машғулот тури: амалий	Аудитория холатини кўзатиш
Машғулот режаси:	Давоматни назорат қилиш, ўқитувчининг кириш сўзи, уйга вазифани текшириш, янги лексика билан талабаларни таништириш, текстни ўқитиш, кластер бажариш, грамматик машқларни бажариш, талабаларни баҳолаш, уйга вазифа.
Машғулотнинг мақсади:	Ўрганувчининг коммуникатив ривожланиши
Ўқитувчининг вазифаси:	Ўргатиш натижаси
Ургатиш усуллари:	Ақлий хужум, блиц – сўров
Ургатиш формалари:	гурухлар билан ишлаш, якка ишлаш.
Ўқитиш воситалари:	Кейс, доска, ўқув дарсликлар, тарқатма материал
Урганиш шароити:	Аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	

Мавзу: Алфавит.


- 1. Унли ундош товушларнинг ўқилиши мақсади, вазифалари структураси**
- 2. Дифтонг монофтонг.**
- 3. Сўзларнинг туғри ўқилиши**




ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

«Инглиз тили» курси бўйича таълим технологиясининг концептуал асослари

Амалий машғулотларда ўқитиш технологиялари





Мустақил таълим учун саволлар

- 1 Алфавитни ётлаш
- 2 Янги сўзларни ётлаш
- 3 Янги сўзлар билан гап тузиш
- 4 Тўртта тип буғинларни фойдаланишини ётлаш

LESSON ONE

Грамматика: **Алфавит.**

Фонетика: **а, е, і, о, u, у унлилари ва ундошнинг уқилиши.**

Инглиз тилида 44 та товуш булиб (24 унли ва 20 ундош), улар ёзувда 26 ҳарф билан ифодаланади. Инглиз унли товушлари мураккаб (дифтонг) ва оддий (монофтонг) товушларга, унли товушлар эса ўз навбатида чўзик ва қисқа товушларга ажратилади.

Эслатма: товуш ва ҳарфларни аралаштириб юбормаслик учун товушлар квадрат қавс [] ичига ёзилади. Товушларнинг чўзиклиги икки нуқта [:] билан ифодаланади. Инглиз алфавитида 20 ундош ва 6 унли ҳарф бор. Олтита унли ҳарф 20 та товушни беради. Шунинг учун айна бир унли ҳарф турли товушларни ифодалаши, яъни турлича ўқилиши мумкин. Унли ҳарфнинг ўқилиши унинг урғули ёки урғсиз, очиқ ёки ёпиқ бўғинда келишига, шунингдек бу унлидан кейин қайси ҳарфлар келишига, айрим ҳолатларда ундан олдин қайси ҳарфлар келишига боғлиқ бўлади.

ENGLISH ALPHABET

Aa
[ei]

Bb
[bi:]

Cc
[si:]

Dd
[di:]

Ee
[i:]

Ff
[ef]

Gg
[dʒi:]

Hh
[eɪtʃ]

Ii
[ai]

Jj
[dʒei]

Kk
[kei]

Ll
[el]

Mm
[em]

Nn
[en]

Oo
[ou]

Pp
[pi:]

Qq
[kju:]

Rr
[ɑ:]

Ss
[es]

Tt
[ti:]

Uu
[ju:]

Vv
[vi:]

Ww
[dʌbju:]

Xx
[eks]

Yy
[wai]

Zz
[zed]

Инглиз тилидаги бўғин турлари.

Инглиз тилида бўғиннинг тўртта тури мавжуд. Булар ундош (г ундошидан ташқари) + унлига тугайдиган оч и қ (I тур), ундошга (г ундошдан ташқари) тугайдиган ё п и қ (II тур), г (ёки г + ундош) га тугайдиган (III тур) қамда г + унлига тугайдиган (IV тур) бўғинлардир. Инглиз унли ҳарфларининг ўқилиши мана шу бўғин турларидан қайси бирида келишига боғлиқ. Инглиз унли ҳарфлари II тур ёпиқ бўғинда қисқа бўғинларда чўзиқроқ талаффуз этилади.

а, е, і, о, u, у унли ҳарфларининг ўқилиши

I	II	III	IV
очик бўғин	ёпиқ бўғин	г ёки г + ундош	г + унли
а [ei]	[эе]	[ɑ:]	[εэ]
mate make	fat bad	far bar	fare rare
fate tale	battle pat	car start	care ware
date name	matte tap	cart farm	glare mary
е [i:]	[е]	[э:]	[iэ]
me he	met bet	her term	here ere
fete Pete	pencil men	verb tern	mere pere
be repay	ten ben	concern serf	fire period
і/y [ai]	[i]	[э:]	[aiэ]
fine my	pin myth	fir Byrd	fire tyre
pine type	sit gyps	first Smyrna	lire ren
kite by	kit pygmy	bird tired	pyre
u [ju:]	[ʌ]	[э:]	[juэ]
tube tune	tub nut	fur burn	cure fure
cute mute	cup pun	curb churn	pure mure
due dupe	but duck	turn nurse	ture bureau


Сўз урғуси

Ҳозирги англиз тилида бир бўғинли сўзлар кўп. Икки бўғинли сўзларда одатда биринчи бўғинга (агарда у сўз оғзаги бўлса) тушади. Олд кўшимчалар айрим истисно ҳоллар эътиборга олинмаса, урғу олмайди ва олд кўшимча кўшилган ҳолларда урғу иккинчи бўғин, сўз оғзагига тушади.

Унли ҳарфнинг ўқилиши у қандай бўғин (очик ёки ёпиқ, урғули ёки урғусиз бўғин) да келаётганлигига боғлиқ бўлади.

Урғу урғули бўғин тепасига қўйиладиган ['] белги билан ифодаланади: **a 'table, a 'doctor, be'gin.**

С ҳарфнинг ўқилиши



Қуйидаги сўзларни такрорланг:

name, came, back, got, tube, up, time, then, in, table, able, little, bugle, bubble, gun, rifle.

HOMEWORK:

1. new words and alphabet.
2. Write down the 10 sentences.

Инглиз тилидаги амалий дарснинг технологик харитаси.

Мавзу: «To be» феъли умумий ноаниқ замонда. (2 соат)


Технологик босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг моҳияти	Талаба фаолиятининг моҳияти
<p>I босқич. Укув машгулотига кириш (50 мин)</p>	<p>1.1. Саломлашиш. 1.2. Уйга берилган вазифани текшириш. 1.3. Тингловчиларни дарс мавзуси билан таништириш. 1.4. Тайерланган тарқатма материални тарқатиш.</p>	<p>Берилган материалга жавоб бериш. Тинглайди. Тинглайди.</p>
<p>II босқич. Информацион (30 мин)</p>	<p>2.1. Ўрганилган материални мустаҳкамлаш мақсадида саволларга жавоб бериш. 2.2. Тарқатма материалларда берилган мисоллар асосида янги лексик сўзларни киритиш. 2.3. Лексик материални мустаҳкамлаш мақсадида тарқатма материаллардаги машқларни бажариш.</p>	<p>Саволларга жавоб бериш. Янги сўзларни эшитиш ва қайтариш. Машқлар устида ишлаш.</p>
<p>III босқич. Яқунловчи. 10 мин.</p>	<p>3.1. Утилган мавзунини умумлаштириш. 3.2. Уйга вазифа бериш.</p>	<p>Тинглайди. Уйга вазифани езиб олиш.</p>

4. Кейс – технологик урганиш
4.1. Технологик урганишнинг модели

Машғулот мавзуси Мавзу: «To be» феъли умумий ноаниқ замонда .	Аудитория натижаси
Вақт 2соат	Талабалар сони:
Машғулот тури: амалий	Аудитория холатини кўзатиш
Машғулот режаси:	Давоматни назорат қилиш, ўқитувчининг кириш сўзи, уйга вазифани текшириш, янги лексика билан талабаларни таништириш, текстни ўқитиш, кластер бажариш, грамматик машқларни бажариш, талабаларни баҳолаш, уйга вазифа.
Машғулотнинг мақсади:	Ўрганувчининг коммуникатив ривожланиши
Ўқитувчининг вазифаси:	Ўргатиш натижаси
Ургатиш усуллари:	Ақлий хужум, блиц – сўров
Ургатиш формалари:	гурухлар билан ишлаш, якка ишлаш.
Ўқитиш воситалари:	Кейс, грамматик таблица, доска, ўқув дарсликлар, тарқатма материал
Урганиш шароити:	Аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	

**Мавзу: to be феъли PRESENT, PAST AND
FUTURE INDEFINITE TENSE DA.**


1. «to be» феъли ноаниқ замонларда тусланиши ва ишлатилиши мақсади, вазифалари структураси
2. Гапларни туғри тузилиши .
3. Сўзларнинг туғри ўқилиши




ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

«Инглиз тили» курси бўйича таълим технологиясининг концептуал асослари

Амалий машғулотларда ўқитиш технологиялари





Мустақил таълим учун саволлар

- 1 Янги грамматик вазифаларни ётлаб келиш**
- 2 Янги сўзларни ётлаб келиш**
- 3 Янги сўзлар билан гап тузиб келиш**
- 4 Машкларни бажариш**
- 5 Грамматик мавзу буйича гап тузиб келиш**

LESSON TWO

Грамматика: to be феъли PRESENT, PAST AND FUTURE INDEFINITE TENSE DA

To be феъли гапда мустақил феъл бўлиб келганда ўзбек тилида бор, бор бўлмоқ, боғловчи феъли бўлиб келганда эса –дир деган манони англатади. To be феъли Ҳозирги ноаниқ замонда (**Present Independent tense**) III-та шахс шаклига эга.

Am – 1 шахс, бирлик

Is – 3 шахс, бирлик

Are – кўпликда барча шахслар учун.

Salim is a student

To be – verb			
Present simple tense (Present Independent tense)			
	Дарак гап	Сўроқ гап	Инкор гап
Бирлик	I am a student He } She } is a student it }	Am I a student? Is { He She a student it }	I am not a student He } She } is not a student it }
Кўплик	We } You } are students They }	Are { We You students? they }	We } You } are not students they }

am, is, are феъллари **to be** феълининг ҳозирги замон **Present Indefinite Tense** даги бирлик ва кўплик шакли бўлиб, бор, бор бўлмоқ деган маъноларни англатади. Сўроқ шаклини ясашда тегишли шахс шаклидаги **to be феъли** эгадан олдин кўйиш орқали ясалади. Инкор шаклини ясашда **not инкор** юкламаси тегишли шахсдаги **to be феълидан** кейин кўйилади.

Дарак шакли	Сўроқ шакли	Инкор шакли
I am a doctor He (she) is a doctor It is a toy	Am I a doctor? Is he (she) a doctor? Is it a toy?	I am not a doctor He (she) is not doctor It is not a toy
We } You } are doctors They }	Are { we you } doctors? they }	We } You } are not doctors They }

To be ФЕЪЛИ

Бошқа феъллардан фарқ қилиб to be феълнинг **Simple Presentda** 1 – шахс бирликда, 3 – шахс бирликда ва кўпликда - алохида шакллари мавжуд:

I am, he (she, it) is, we (you they) are.

To be феълнинг **Simple Past** замонда бирлик ва кўплик учун алохида шакллари мавжуд:

I (he, she, it) was, we (you, they) were.

Бўлишсиз гаплар яшашда to be феълнинг тегишли шаклидан кейин **not** инкор юкламаси қўйилади:

I am not, I was not.

Сўроқ гаплар яшашда **to be** феълнинг шакли эгадан олдинга ўтказилади:

Am I? Was I?

To be феъли фақат икки давом замонда ишлатилади: **Present Continuous** ва **Past Continuousda** ва асосан мажхул нисбатда:

I am being invited, I was being invited.

To be феъли **Perfect Comtinuous** замонларда ишлатилмайди.

To be феълнинг бўлишсиз буйруқ шакли умумий қоидага асосан, унинг олдида **do not (don't)** ни қўйиш орқали билан ясалади:

Don't be angry.

Ачиғингиз келмасин.

Don't be late.

Кечикманг.

Оғзаки нутқда **Simple Presentning** бўлишли шаклида одатда қуйидаги қисқартмалар юз беради:

I am = I'm

We are = we're

You are = you're

You are = you're

He is = he's

She is = she's

They are = they're

It is = it's

Simple Present ва **Simple Past** замонларда қуйидаги қисқартишлар юз беради:

I am not = I'm not

He is not = he's not ёки he isn't

She is not = she's not ёки she isn't

It is not = it's ёки it isn't

We are not = we're not ёки wearen't

You are not = you're not ёки you aren't

They are not /they're not ёки they aren't

I (he, she, it) was not / I (he, she, it) wasn't

We (you, they) were not /we (you, they) weren't

To be феъли ёрдамчи феъл бўлиб келади: Ҳозирги замон сифатдоши (**Present participle**) билан бирга келиб барча давом (**Continuous ва Perfect Continuous**) замонлари яшада ишлатилади:

I am writing a letter.

Мен хат ёзаяман.

She was doing her lessons at five.

У соат 5 дарсларини қилиётган эди.

I shall be working at three o'clock.

Мен соат 3да ишлаётган бўламан.

It has been raining since morning.

Эрталабдан буён ёмғир ёғаяпти.

1 топшириқ.

Қуйидаги гапларни инкор гапларга айлантириб ёзинг.

1. I am twenty.

5. A pen and a pencil are on the desk.

2. He is a student.

6 It is a window.

3. They are engineers.

7 We are doctors.

4. Olim and Bahtiyar are my friends.

8 She is a girl.

2 топшириқ.

Нуқталар ўрнига are, am, is феълларидан мосини қўйиб, гапларни ўқинг.

1. My name ... Ann.

5. My friend ... Olga.

2. I ... twenty.

6. My friends ... Boris and Pete.

3. We ... students.

7 They are drivers.

4. He ... a student.

8. A book is on the table

3 топшириқ.

Қуйидаги гапларни сўроқ гапларга айлантириб ёзинг ва ўқинг.

1. He is twenty one.

6 You are teachers.

2. I am an economist.

7 I am an engineer.

3. We are students.

8 She is a pupil.

4. His name is Karim.

5. They are in the street.

HOMEWORK:

1. To by learn the new words.
2. Write down the 10 sentences.
3. Write down the exercise.

1 топширик.

Нукталар ўрнига are , am , is феъллардан фойдаланиб мосини қуйинг.

- | | |
|-------------------------|--|
| 1. My name ... Tanya. | 6. My friends ... Boris and Pete. |
| 2. I ... twenty. | 7. They ... engineers. |
| 3. We ... students. | 8. Olim and Bahtiyar ... my friends. |
| 4. He ... a student. | 9. A pen and a pencil ... on the desk. |
| 5. My friends ... Olga. | 10. I ... an economist. |

2 топширик.

Қуйидаги гапларни сўроқ гапларга айлантириб ёзинг.

- | | |
|------------------------------|----------------------------|
| 1. He is twenty one. | 6. They are in the street. |
| 2. I am a teacher. | 7. We are students. |
| 3. My friend is a doctor. | 8. They are in the street. |
| 4. My mother is a housewife. | 9. They are teachers. |
| 5. His name is Karim. | 10. He is eighteen. |

3 топширик.

Нукталар ўрнига are , am , is феъллардан фойдаланиб мосини қуйинг.

- | | |
|---------------------------------|---|
| 1. My name ... Alisher. | 6. My mother ... a teacher at the school. |
| 2. I ... 16 years old. | 7. She ... in form 6. |
| 3. I ... interested in English. | 8. He ... reading a book now. |
| 4. I ... also fond of sport. | 9. I ... the first year. |
| 5. He ... fifty years old. | 10. He ... clever young man. |

Инглиз тилидаги амалий дарснинг технологик харитаси.

Мавзу: «Артикль. Кишилик олмошлари» (2 соат)

Технологик босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг моҳияти	Талаба фаолиятининг моҳияти
<p>I босқич. Уқув машгулотига кириш (50 мин)</p>	<p>1.1. Саломлашиш. 1.2. Уйга берилган вазифани текшириш. 1.3. Тингловчиларни дарс мавзуси билан таништириш. 1.4. Тайерланган тарқатма материални тарқатиш.</p>	<p>Берилган материалга жавоб бериш. Тинглайди. Тинглайди.</p>
<p>II босқич. Информацион (30 мин)</p>	<p>2.1. Ўрганилган материални мустаҳкамлаш мақсадида саволларга жавоб бериш. 2.2. Тарқатма материалларда берилган мисоллар асосида янги лексик сўзларни киритиш. 2.3. Лексик материални мустаҳкамлаш мақсадида тарқатма материаллардаги машқларни бажариш.</p>	<p>Саволларга жавоб бериш. Янги сўзларни эшитиш ва қайтариш. Машқлар устида ишлаш.</p>
<p>III босқич. Яқунловчи. 10 мин.</p>	<p>3.1. Утилган мавзунини умумлаштириш. 3.2. Уйга вазифа бериш.</p>	<p>Тинглайди. Уйга вазифани езиб олиш.</p>

4. Кейс – технологик урганиш
4.1. Технологик урганишнинг модели

Машғулот мавзуси Грамматик матн: Артикуль. Кишилик олмошлари	Аудитория натижаси
Вақт 2соат	Талабалар сони:
Машғулот тури: амалий	Аудитория ҳолатини кўзатиш
Машғулот режаси:	Давоматни назорат қилиш, ўқитувчининг кириш сўзи, уйга вазифани текшириш, янги лексика билан талабаларни таништириш, текстни ўқитиш, кластер бажариш, грамматик машқларни бажариш, талабаларни баҳолаш, уйга вазифа.
Машғулотнинг мақсади:	Ўрганувчининг коммуникатив ривожланиши
Ўқитувчининг вазифаси:	Ўргатиш натижаси
Ургатиш усуллари:	Ақлий хужум, блиц – сўров
Ургатиш формалари:	Фронтал сўров, гуруҳлар билан ишлаш, якка ишлаш.
Ўқитиш воситалари:	Кейс, грамматик таблица, доска, ўқув дарсликлар, проектор, тарқатма материал
Урганиш шароити:	Аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	

Мавзу: Артикль. Кишилик олмошлари.

- 1. Аниқ ва ноаниқ артиккларни ишлатиш мақсади, вазифалари структураси**
- 2. Кишилик олмошларни ишлатиш мақсадлари**
- 3. Сўзларнинг туғри ўқилиши**


Илова 3.1




ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

«Инглиз тили» курси бўйича таълим технологиясининг концептуал асослари

Амалий машғулотларда ўқитиш технологиялари





Мустақил таълим учун саволлар

- 1 Янги грамматик мавзулар буйича машкларни бажариш**
- 2 Янги грамматик мавзулар буйича гапларни тузиш**
- 3 Янги сўзларни ётлаш**
- 4 Янги сўзлар билан гапларни тузиш**

LESSON THREE

Грамматика: **Артикль**

Кишилик олмошлари

Артикль

Артикл от олдида ишлатиладиган махсус сўз – аниқлагичдир. Артикл кўп холларда ўз мустақил маъносига эга бўлмайди. Ҳозирги инглиз тилида артиклнинг ноаниқ ва аниқ турлари мавжуд. Ноаниқ артиклнинг ундошлардан олдин ишлатиладиган **a** [э] унларидан олдин ишлатиладиган **an** [эн] кўриниши мавжуд.

Ноаниқ артикл **битта** (one) деган маънони англатиб, бирликдаги отлар билан ишлатилади:

a pen, a table, an apple.

Ноаниқ артиклнинг ишлатилиши

1. Предметларнинг бир гуруҳида оид булган отларнинг бирлик формаси олдида:

There is ... book on the table.

2. Кушма от кисми бирликдош от булса:

I saw ... a very interesting film.

She is ... teacher.

3. **HAVE** феълидан кейин тулдирувчи бирликдош от булса:

I have ... English book.

4. Хисоб гаплар **What** сузи билан бошланса:

What ... beautiful flower?

Аниқ артикл **the** контекстда **шу, мазкур** деган маънони англатади:

The device is quite new. The problem is very important.

Аниқ артикль **the** ундош харф билан бошланувчи сўз олдида [э] деб (the pen, the table), унли харф билан [] деб (the apple, the egg) деб талаффуз қиланади.

Аниқ артикльнинг ишлатилиши

1. Гапирувчига ҳам, тингловчига ҳам маълум булган предметларнинг олдида:

This is “**a**” book.

“**The**” book is interesting.

2. Дунёда ягона булган предметларнинг олдида:

In summer ... sun shines brightly.

... sky is blue.

3. Маълум предмет эканлигининг гапнинг маъносидан англашилиб турса:

Open ... window, please.

Pass me ... salt, please.

4. **One of, many of, most of, all, both** сўзлардан кейин, отлашган сифатлар олдида:

One of ... pupils did not come to the lessons.

All ... boys will go on an excursion.

... Rich life in the west End of London

5. Баъзи мамлакатларнинг номлари олдида, дарё, кўл, денгиз, океан ва тоғ, туманларнинг олдида ва шимол, жануб, ғарб ва шарқни аташда:

... Soviet Union is the first socialist country in the world

... United States of America is a capitalist country.

We lived at the shore of ... black sea.

The Volga is one of the long rivers in ... USSR

We shall go to ... south in summer.

1-топширик.

Нуқталар ўрнига тегишли артиклни қўйиб гапларни ўқинг.

1. I am ... good student. 2. My friend is ... good student too. 3. Ben is ... doctor. 4. Is Ben ... doctor? 5. Ann is good student in ... group. 6. Jane gives me ... interesting book. 7. My book is on ... table. 8. Is your book on ... table?

2-топширик.

Инглиз тилига таржима қилинг.

1. Бу – ручка, у – қалам. 2. Қалам столда. 3. Ручка сумканинг ичида. 4. Ручка – қизил. 5. Петя, қизил галстукни ол! 6. Анна ўтир! 7. Анна картани ол! 8. Қора сумка столнинг устида. 9. Петя, жим ўтир!

3-топширик.

Нуқталар ўрнига тегишли артиклни қўйинг.

1. This is ... pen and that is ... pencil. 2. ... pen is on ... table and ... pencil is in ... bag. 3. Pete, take ... pen and ... pencil. 4. ... bag is on ... table. 5. ... bag is black.

Олмош

Инглиз кишилик олмошлари икки келишик: бош (**The Nominative Case**) ва объектив келишигига (**The Objective Case**). Олмош деб, от ва сифат ўрнида ишлатиладиган сўзларга айтилади. **I** - кишилик олмоши доимо бош ҳарф билан ёзилади. Бошқа тиллардан фарқ қилиб, инглиз тилида **2-шахс** кишилик олмоши бирлик ва кўпликда битта **you** кўринишига эга бўлади ва бу кишилик олмоши гапда англатадиган маъносига кўра **сен, сиз** деб таржима қилинади. **He (she)** кишилик олмоши одамларга нисбатан, **it** олмоши эса жонсиз предмет ва жониворларга нисбатан ишлатилади.

Эслатма: You олмоши 2-шахс бирликда қўлланмайди.

	Бирлик	Кўплик
1-шахс	I - мен	We – биз
2-шахс	---	You – сиз
3-шахс	He (she, it)– у	They – улар

	Шахс	Бош келишик	Объект келишик
Singular Бирлик	1	I –мен	Me – мени, менга
	2	He – ў	Him – его, ему
	3	She – ў	Her – уни, унга
		It – ў It – (жонсиз нарса)	It – уни, унга
Plural Кўплик	1	We – биз	Us – бизни, бизга
	2	You – сиз	You – сизларни
	3	They – улар	Them – уларни

1. Бош келишикдаги кишилик олмошлари гапда эга ва от кесим таркибида келади:

I saw that picture (ega)

Мен у суратни кўрдим

It is I

Бу мен

Изох: Озгаки нутқида от кесим таркибида кишилик олмошининг объектив келишидаги шакли хам учрайди: it`s me (him, us). It`s me шакли айниқса кўпроқ учрайди..

I - олмоши хар дойим бош харф билан ёзилади. **I** - олмоши бош олмошлар ёки отлар билан бирга келганда, хар дойим улардан кейин ишлатилади:

You and I (ёки: he and I) must be there by seven o`clock.

Сиз билан мен (ёки: у билан мен) соат еттида у ерда бўлишимиз керак.

My brother and I will help you.

Акам билан мен сизга ёрдам берамиз.

He- (у) - олмоши эркакларга нисбатан, **she-**(у) - хотин-қизларга нисбатта, **it** - (у) - жонсиз буюмларга ва хайвонларга нисбатан ишлатилади:

Peter is an engineer. He works at a factory. Пит – мухандис. У заводда ишлайди.

They (улар) олмоши III шахс кўплик учун ишлатилади:

The students are in the corridor. Талабалар коридорда.

They are in the corridor. Улар коридорда.

The documents are on the table. Хужатлар стол устида.

They are on the table. Улар стол устида .

You (сиз, сен) олмоши II шахс бирлик ва кўплик учун ишлатилади:

Children, where are you? Болалар, қаердасиз?

Mary, where are you? Мэри, қаердасан?

Объектив келишиқдаги кишилиқ олмошлари гапда воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади:

He saw **me** in the street. У мени кучада кўрди.

I met **them** at the station. Мен ўларни станцияда учратдим.

He showed **her** the picture. У унга суратни кўрсатди.

Объектив келишиқдаги кишилиқ олмошлари истаган предлог билан келиши мумкин ва гапда тўлдирувчи бўлиб келади:

This pen is bad.
I cannot write **with it**. Бу ручка ёмон.
Мен у билан ёзаолмайман.

The letter is **for you**. Бу хат сизга (сиз учун)

I've read **about it**. Мен у ҳақда ўқиганман.

I quite agree **with you**. Мен сизга тўлиқ қўшиламан.

I've received a letter **from her**. Мен ундан хат олдим.

1-топширик.

Керакли жойга нукталар ўрнига артикл қўйинг.

1. This ... a book.
2. It is my ... book.
3. A have a sister.
4. My ... sister is ... engineer.
5. My sister's ... husband is ... doctor.
6. This ... pen is good, and that ... pen is bad.
7. My sister's ... husband is ... doctor.
8. I have no ... handbag.
9. Have they got ... car?
10. Their ... car is very expensive but reliable.

2-топширик.

Керакли жойга нукталар ўрнига артикл қўйинг.

1. This is ... pen.
2. ... pen is red.
3. In the morning I eat ... sandwich and drink ... tea.
4. Do you like ... ice cream?
5. I see ... book in your ... hand.
6. He never eats ... meat, he always eats ... vegetables, ceveals, seeds, and fruit and ...nuts.
7. My ... friends have got ... cat and ...dog.
8. Our ...room is large.
9. Give my that ... pencil, please.
10. would you like ... orange?

3-топширик.

Керакли жойга нукталар ўрнига артикл қўйинг.

1. My ...mother is ... doctor.
2. She is ... pupil.
3. I am ... engineer.
4. He is ...good ...pupil.
5. This is ... house.
6. This is my ... pencil.
7. My ... aunt is ... teacher.
8. He work at ... factory.
9. ... factory is big.
10. There are many ... children in ...yard.

Инглиз тилидаги амалий дарснинг технологик харитаси.

Мавзу: “to have” феъли PRESENT, PAST AND FUTURE INDEFINITE TENSE DA.

Эгалик олмошлари. (2 соат)

